



КАЗАХСТАНСКИЙ НАЦИОНАЛЬНЫЙ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНУНИВЕРСИТЕТ
ИМЕНИ АБАЯ



**«TURKIY XALQLARNING MA'NAVIY
INTEGRATSIYASI: TILI, ADABIYOTI,
MADANIYATI»
MAVZUSIDAGI II XALQARO
ILMIY-NAZARIY KONFERENSIYA**

TOSHKENT - 2025

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT
O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**

**«TURKIY XALQLARNING MA'NAVIY
INTEGRATSIYASI: TILI, ADABIYOTI,
MADANIYATI»**

**MAVZUSIDAGI II XALQARO ILMIY-NAZARIY
KONFERENSIYA MATERIALLARI**

TOSHKENT - 2025



Mazkur ilmiy maqolalar to'plamida «Turkiy xalqlarning ma'naviy integratsiyasi: tili, adabiyoti, madaniyati» II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari jamlangan. Maqolalarda turkiy tillarning rivoji va o'zaro o'xshashliklarini, umumiy adabiy merosimizni ilmiy asosda chuqur o'rghanish; madaniy aloqalarni zamonaviy texnologiyalar orqali kengaytirish; tarjima va adabiy almashinuv orqali xalqaro miqyosda muloqotni kuchaytirish; raqamli platformalar orqali integratsiyani amalga oshirishga oid fikrlar yoritib berilgan. To'plamdan dunyo bo'yicha taniqli turkiyshunos olimlar, metodistlar, o'qituvchilar hamda ToshDO'TAU iqtidorli talabalarining maqolalari ham o'rin olgan.

To'plam til va adabiyot ta'limi bilan shug'ullanuvchi professor-o'qituvchilar, shu sohaning tadqiqotchilari, magistrant va talabalarga mo'ljallangan.

Taqrizchilar:

G.Asilova – *pedagogika fanlari doktori (DSc), professor.*

G.Norimova – *filologiya fanlari nomzodi, dotsent.*

Tahrir hay'ati:

S.Muhamedova, S.Qambarova, O.Turaqulova,

Y.Shirinova, M.Yo'ldosheva.

Mazkur to'plam matni Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti Kengashining 2025-yil 2-iyundagi 10-sonli majlisida muhokama qilinib, nashrga tavsiya qilingan.

Izoh: Maqolalarning ilmiy saviyasi uchun mualliflar o'zlari mas'uldirlar.



O'qitish metodlarining samaradorligida talim mazmunini tashkil etuvchi dastur va o'rganish tavsiya etilgan asarlarning talqini, darslikdagi o'quv materialining saviyasi bilan birga o'qituvchi va o'quvchilar orasidagi munosabat ham katta ahamiyat kasb etadi. Talim mazmunining o'quvchilar va o'qituvchining birligida didaktik faoliyati bilan uyg'unligi metodning samaradorligini taminlaydigan asosiy omildir.

Foydalanaligan adabiyotlar:

1. Бабанский Ю.К. Методы обучения в современной общеобразовательной школе. – М.: Просвещение, 1985. -150-153-с.
2. Бадриев Ф. Методы и формы организации внеклассного чтения по литературе в старших классах (На материалах школ Узбекской ССР). – АКД.пед.наук. – Ташкент, 1969.
3. Йўлдошев Қ. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишининг илмий-методик асослари. Пед. фан. Доктори... дисс. – Тошкент, 1997. -77-88- б.
4. Кудряшов Н.И. Взаимосвязь методов обучения на уроках литературы: Пособие для учителя. - М.: Просвещение, 1981. - 65 с.
5. J.Jalolov. Chet tilini o'qitish metodikasi: chet tillar o'quv yurtlari (fakultetlari) talabalari uchun darslik/ J.J.Jalolov – Toshkent: O'qituvchi,2012. – 432 b.

DOI: 10.52773/tsuull.conf.2025/ALPY5519

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ “ЎТКАН КУНЛАР” ВА ТЎЛАГАН ҚОСИМБЭКОВНИНГ “СИНГАН ҚИЛИЧ” АСАРЛАРИДА ХОНЛИКЛАР ДАВРИНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНИ

Исманова Акибатхан Алимжановна

Ўш давлат университети доценти, ф.ф.н.

akibat@ihdox.ru

Аннотация: Мақолада Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” ва Тўлаган Қосимбековнинг “Синган қилич” асарларида XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Қўқон хонлиги инқирозининг сабаблари, ҳамда Россия империясининг Туркистонни истило қилишидаги тарихий воқеликлар таҳлилга тортилди. Бу икки асар мавзуси, жанри, тарихий жараёнга муносабати, тарихий шахслар тасвири жиҳатдан ўхшаш бўлиб, мамлакат ичкарисидаги низолар ва рус босқини ҳаққоний тарихий фактлар асосида ёритилган. Мақолада икки асардаги тарихий воқеликлар Муслмонқул истибоди, “қипчоқ қирғини”, таҳт учун куршлар мамлакат равнақини эмас, балки шахсий манбаатлар учун сиёсий қуролга айланганлиги талқин қилинди.

Калит сўзлар: хонлик, қипчоқ, қирғин, истибод, тарих, империя.

Аннотация: В статье рассматриваются причины кризиса Коканского ханства в конце XVIII - начале XIX веков, а также освещение исторических событий завоевания Туркестана Российской империей в произведениях “Минувшие дни” Абдуллы Кадири и «Сломанный меч» Толагана Касымбекова. Эти два произведения схожи по теме, жанру, отношению к историческому процессу, изображению исторических личностей, внутренних конфликтов и российского нашествия, изображенных на основе реальных исторических фактов. В статье интерпретировано, что исторические реалии двух



произведеній превратились в политическое оружие личных интересов, а не развития страны, в борьбе за престол, тираніи Мусльманкула, «кипчакской резне».

Ключевые слова: ханство, кипчак, резня, тиранія, история, империя.

Annotation: In the article, the causes of the crisis of the Kokan Khanate in the late 18th and early 19th centuries, as well as the coverage of the historical events of the conquest of Turkestan by the Russian Empire in the works of Abdulla Qadiri's "Days gone by" and Tolagan Kasimbekov's "Broken Sword" were analyzed. These two works are similar in terms of theme, genre, relation to the historical process, depiction of historical figures, domestic conflicts and the Russian invasion are depicted on the basis of true historical facts. In the article, it was interpreted that the historical realities of the two works turned into a political weapon for personal interests, not the development of the country, in the struggle for the throne, Musulmankul's tyranny, "Kipchak massacre".

Key words: khanate, Kipchak, massacre, tyranny, history, empire.

Қадим тарихга эга туркий халқларнинг шаклланишида уруғлар, қабилалар, әлатлар, миллатлар ва социал гуруҳлар муҳим роль ўйнаган. Улар ўзларининг мақсадлариға жавоб берадиган ғояларни қурол сифатида қўллаб, сиёсий-ижтимоий фаолият олиб борганлар. IX –XVIII асрда яшаган Махмуд Кошфарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Алишер Навоий, З.М.Бобур, Турди Фароғий, Гулханий, Фурқат, Муқимиylар тарихий воқеа ва ҳодисаларни кузатиб, бадиий таҳлил қилишган ва холосаларини асарларида ёритиб, даврга баҳо беришган.

Ўзбек романчилигига асос солган Абдулла Қодирий "Ўтган кунлар" асарида "тарихнинг энг кирлиқ, қора кунлари "хон замонлари" ни ёритиш орқали ана шу анъанани давом эттириди ва туркий халқларнинг тарих саҳнасида ўз ўрнини йўқотиш сабабларини бадиий талқин этди. Маълумки, Россия босқини арафасида Ўрта Осиё уч хонликка бўлиниб, улар ўртасида ўзро урушлар, чегара жанжаллари, ҳатто ҳар бир хонлик доирасида ҳам ички курашлар авж олганди. Ўрта Осиё хонлари ташқи хавфни олдини олиш ўрнига ўзаро ички урушлар, жанг жадаллар билан банд бўлиб, Кўқонда айш-ишрат, кайфу сафо, ўйин-кулги, порахўрлик, авж олганди, бу даврда ақлли, билимли кишилар хўрланиб, хушомадгўй, нобоп одамлар мансабдор бўлди [1,509]. Бу ҳолат Россия империясининг Ўрта Осиёни босиб олиши учун қулай вазият яратди. Абдулла Қодирий ва қирғиз ёзувчиси Тўлаган Қосимбеков ана шу тарихий жараённи Муслмонкул бошчилигидаги қипчоқ уруғларининг мамлакатнинг сиёсий бошқарувидаги роли орқали кўрсатишиди. Бу икки асарда бир давр тарихий воқеалари тасвирланган бўлиб, тадқиқотчи Ғайрат Муродов "Тарихий роман: генезиси, кейинги тараққиёти" монографиясида "Синган қилич" кўп жиҳатлари-жанр, жанр мавзуси, бадиий хронтоп(макон-замон)и тарихий жараёнга муносабати, тарихий шахслар иштироки билан "Ўтган кунлар" романини эслатиб туради", -дейди. [3, 106-б]. Адабиётшунослар С.Махсумхонов "Юрт фожиаси ҳақидаги роман", Д.Куронов "Ўтган кунлар" да хон ва хонлик ҳақидаги мақолаларида мазкур асрлар ҳақида фикр юритишган. Қирғизистонлик олим С.Мирзақулов Тўлаган Қосимбековнинг "Қариндош тилларда таржима асарларнинг лексик -



семантик тадқиқи” мавзусидаги диссертациясида икки халқнинг тилларини “Синган қилич” асари мисолида қиёсан тадқиқ қилган. Биз мазкур мақоламизда “Ўтган кунлар” ва “Синган қилич” асарларида Мұслмонқул билан боғлиқ “қипчоқ қирғини” мавзусини таҳлил қилган ҳолда мазмун моҳияти билан бу икки асар бугунги кунда ҳам долзарб эканлигини таъкидламоқчимиз, чунки ҳозирги дунё сиёсатидаги манфатлар тўқнашувида Марказий Осиё энг муҳим стратегик объектга айланди. Бу эса минтақадаги республикаларнинг ўтмишдан хulosа чиқариб, қўшничилик алоқаларини янада мустахкамлашини тақозо этади. Туркий халқлар ўртасидаги барқарор тараққиётни сақлашда адиллар, тарихчи, адабиётшунос, тилшунос, элшунослар қиёсий тадқиқот ишларни олиб бориши ва назарий хulosалар чиқаришни давр тақозо этмоқда. Бу жиҳатдан Абдулла Қодирий ва Тўлаган Қосимбеков асарлари тарихий-бадиий қимматга эга, чунки мазкур асарлар яратилиш жиҳатидан бир даврга тўғри келса-да, лекин туркий халқлар адабиётида 1925-1926 йилдан 1966 йилгача, Туркистоннинг мустамлакага айланиш хавфи ва руслар томонидан босиб олиниши ҳаққоний бадиий тадқиқ этилган роман учрамайди.[4.134-136-б]. “Ўтган кунлар” қаҳрамони Юсуфбек ҳожи руслар босқини хавфи яқин эканлигидан юртдошларини огоҳ этиб: “Иттифоқни не эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияти йўлида бир-бирини еб, ичкан мансабпаст, дунёпаст ва шуҳратпаст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди. Биз шу ҳолда кетадирган, бир-бирилизнинг тегимизга сув қуядиган бўлсак яқиндирики, ўрус истибоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсак ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйниға ўрус бўйиндириғини кийдирган бўлурмиз. Ўз наслини ўз қўли билан коғир қўлига тутқин қилиб топширғучи - биз кўр ва ақлсиз оталарға худонинг лаънати албатта тушар, ўғлим! Боболарнинг муқаддас гавдаси мадфун Туркистонимизни тўнғузхона қилишиға ҳозирлангани биз итлар яратғучининг қаҳрига албатта йўлиқурмиз”. [5.294-295 -б]

Тўлаган Қосимбеков “Синган қилич” асарида юрт мустақиллиги эмас, балки ўз манфаати устун бўлган Насриддинхоннинг фон Кауфман билан тузган шартномасида хон деган номни сақлаб қолиш учун ўлканинг шимол томони-Норин дарёсининг ўнг қирғоғи, стратегик аҳамиятга эга бўлган Наманган шаҳрини Россия империяси қарамоғига, шунингдек, бу вилоятнинг халқи зиммасига эса олтин баҳосида олти юз минг сўм миқдорида контрибуция солинишини қоралайди[6.278 -б]. Демак, ҳар икки асар сюжетида Кўқон хонлигидаги ички низолар ва унинг оқибатида Россия империясининг Туркистонни ўз тасарруфига қўшиб олиш сабаблари тарихий фактлар мисолида ёритилади.

Абдулла Қодирий “Ўтган кунлар” асарида ўзбек миллатининг муайян тарихий шароит, вазиятдаги турмуши, урф-одатлари руҳий маънавий дунёси ва ўлканинг тутқунликка тушиши, жаҳолат, қолоқлик ва



ўзаро ички низолар натижасида рус истибодига дучор бўлиши сабабларини асар мазмунига сингдирган бўлса, Тўлаган Қосимбеков “Синган қилич” асарида XVIII асрнинг иккинчи ярмида Кўқон хонлигига юз берган тарихий воқеалар, саройдаги ички низолар зулмга қарши кўтарилган халқ исёнлари Муслмонқул билан боғлиқ қипчоқ қирғини воқеси, Россиянинг Туркистонга бостириб келиши, эрк учун Тошкент яқинида Олимқул додҳо қўшинлари, шунингдек, Исҳоқ бошлиқ исёнчиларнинг оз сонли, лекин яхши қуролланган рус қўшинларидан енгилиши сабабларини ёритади.

Демак, Кўқон хонлигининг инқирозида ички низолардан усталик билан фойдаланган Россия империяси осонлик билан ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Бу ички низоларда Муслмонқулнинг роли катта бўлиб, у Кўқон хонлигининг таъсирли шахси, қипчоқ уруғидан эди ва Шералихон хокимиятини бошқарганди. Олайлик қирғизлар Муслмонқулдан хокимиятни тортиб олиш мақсадида Шералихонни ўлдиришади ва Олимхоннинг ўғли Шоҳмуродни хон сайлашади, бироқ етти кун ичидаги Муслмонқул ҳокимиятни қайта эгаллаб, Шералининг 14 яшар ўғли Худоёрхонни хон қилиб кўтаради ва ўзини оталиқ сайлаб давлат бошқарувини яна қўлга олади. Расман Худоёрхон Кўқон хони бўлса-да, лекин давлат бошқаруви Муслмонқул қўлида эди. Худоёрхон Муслмонқул қўлида қўғирчоқ хон сифатидаги бошқарувдан халос бўлиш учун маҳаллий беклар билан бирлашиб, унинг истибодига барҳам беради. Тарихчи Ибрат бу воқеани “Фарғона тарихи” асарида: “Муслмонқул қипчоқ ва қирғиз илан Шералихонни хон қилган эди, бул ҳолда Худоёрхон илан бирга эди. ...фириб илан Муродхонни ўлдириб ўниға Худоёрхонни хон қилди. Хон, агар чандики, Муслмонқулга домод, ани соясинда дунёси обод бўлиб, фақат курсисини соҳиби эди. Аммо ки жамоаи сардия ва ўзбакиялар ишидин хурсанд бўлмай, бесарнжом эдилар, сирраи иттифоқ қилиб, қипчоқия ва қирғизияни суруб, Билқиллама деган жойгача қувиб шаҳардан чиқардилар. Ул жойда қитоли азим ва ҳарби алим қилиб, охири кор Муслмонқулини асир қилиб олуб, темир қафасга солиб дарвозага осиб қўйуб, Худоёрхон жулусини ўн иккиничи санасинда муни қатл қилдилар. Сўнгра хоннинг ҳукмати баистиклол бўлди” [2,298-б]. Бу тарихий-сиёсий воқеа Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” асарида: “Аҳоли устига бўлган жабру зулм ҳаддан ташқари ошиб кетган эди. Унинг истибоди ўзга шаҳарларга унча сезилмаса ҳам, аммо марказ-Кўқон одамларини жуда тўйдирди. Унинг ўз кайфича ойда эмас, ҳафтада солиб турган солиқлари фуқоронинг терисини шилса, арзимаган сабаблар билан қора чопон бекларини осдириб, кесдириб туриши хосни (хавосни) ҳам эсанкиратди. Отиғафина хон бўлиб ўлтиргучи Худоёр ҳам осдириш, кесдириш ва ёrlақаш ўз ихтиёрида бўлган Муслмонқул майдондан олинмаған фурсатда ўзининг қўғирчоқ сифат юра беришини тушинди”, - дея тасвирланади. [5,268].



Тўлаган Қосимбеков “Синган қилич” асарида:...Муслмонқул саккиз йил (1845-1853) мингбошилик қилди. Қилич кучи билан давлат бошқарилган ана шу саккиз йил давомида у ҳеч ким билан ҳисоблашмай,шаҳарликлар,савдо-сотиқ билан машғул бўлган кишиларга ҳаддан ташқари зулм ўтказди.Бу қаттиққўллик элнинг ўрдага нисбатан норозилигини оширди.Бундан фойдаланган Ўртатепа,Хўжанд,Тошкент беклари мингбошига бош эгмай қўйишди.Кўп ўтмай уларга Марғилон беги Ўтанбой қўшилди.Худоёрхон эса яширин тўп ичида эди.Ниҳоят, бир куни Қўқондан Қосим понсот бошчилик қилган гурӯҳ Муслмонқул тарафдорларини ўрдададан суриб чиқарди. [6,104-б].Муслмонқул бошқарувига чек қўйилса-да,лекин унинг гуноҳсиз қипчоқларнинг қирғин қилиш хақидаги ёрлиқ Худоёрхонни Муслмонқул қўғирчоғидан беклар қўғирчоғига айланганини кўрсатади. “Ўтган кунлар”асарида Худоёрхоннинг даҳшатли ёрлиғида “Биз Туркистон мамлакатининг хони ўз қаламравимиз ва салтанатимиз учун қипчоқ тойифасини музир деб билдик. Бу янглиғ ҳукмимизни ўз қаламравимизда бўлған барч бекларимизга,ҳоким ва қўрбоши ва даҳбошиларимизга билдириб буюрамизким,ушбу фармонимизни олған он дарҳол ўн беш ёшдан то етмиш ёшгача бўлғон қипчоқ эр зотини қиличдан кечиргайлар ва ҳеч бир силаи раҳмни восита қилмағайлар[5,292-293-б].

Тўлаган Қосимбековнинг “Синган қилич”асарида мудхиш ёрлиқнинг чиқарилишини “буғдой” эпизоди орқали тасвирлайди. Ниёз қушбеги қўлидаги бир бош буғдойни Қосимбек мингбоши, Гадойбой додҳоҳ, Абилга қўрсатиб, “буғдой” сўзини талаффуз қилдиради, қипчоқ уруғидан бўлган Нормуҳаммад додҳоҳ эса “бийдай” деб талаффуз қиласди. Ниёз қушбеги ўзининг даҳшатли режасини ана шу биргина сўз талаффузи орқали амалга оширади:... мана хон ҳазрати олийлари. Шу биргина сўз орқали қипчоқни аниқлаб олиш мумкин. Подшоҳим! Бошингиздаги баҳтингиз, давлатингиз зиёда,халқингиз тинч бўлсин, десангиз мингбошига ёрлиқ беринг, ўзингиз эшилдингиз, қипчоқнинг уруғи ҳали ҳам бор экан. Ҳатто шу ергача етиб келибди, ёрлиқ беринг,мингбоши,мана бу турган халойиқ ичидан бегонасини териб юборсин”.Бу даҳшатли ёрлиқ кимнинг манфаатига хизмат қилишини Абдулла Қодирий Юсуфбек ҳожи тилидан шундай баён этади:-Ўзинг ўйлаб кўр ўғлим, ўз қўлимиз билан ўзимизники кесишимиздан мамлакат учун қандай фойда бор? [5,291-292-]. Қипчоқлар қирғинидан мамлакат эмас,балки ижтимоий гуруҳлар манфаатдорлигини Тўлаган Қосимбеков Юсуфбек ҳожининг риторик сўроқларини давом эттириб китобхонни ўйлашга,фикр юритишга ундейди.Муслмонқул ўлдирилди.Шу билан ўрдадаги келишмовчилик барҳам топдими? Худоёрхон қипчоқ уруғини аёвсиз қирди. Худоёрхон тахтдан қулади, Қосим мингбоши, Ниёз қушбеги ўлдирилди,Хўш,ўрдадаги жанжал босилдими? Балки энди ўрдадаги бошбодоқликка Олимқул додҳоҳ чек қўяр? Бир йил ўтмай Олимбек додҳоҳнинг боши олинди,келишмовчилик балки энди тугагандир? Йўқ , тугамаган экан...Ниҳоят,Олимқул оталиқни



Тошкентнинг шундоққина биқинида генерал Черняев қўшинларига яқин ерда айғоқчилар отиб ўлдиришди [6,122-123-б.].

Хуллас, Туркистон ўлкасининг таназулида ўзаро тахт талашувлар, қирғинлар, алғов-далғовлар элнинг ўсишига, жамиятнинг олға қараб ривожланишига тўсқинлик қилди. Абдулла Қодирий “Ўтган кунлар” асари учун қатағон бўлгани каби Тўлаган Қосимбековнинг “Синган қилич” асари ҳам тақиқларга дучор бўлди. Бу бежиз эмас эди, албатта, чунки мазкур икки асарда Марказий Осиё халқларининг XVIII аср охири XIX аср бошларидаги ўтмиши реал воқеалар, тарихий шахслар мисолида атрофлича бадиий талқин қилинган. Бу икки асарни қиёсан ўрганиш минтақадаги туркий халқларнинг тарихдан сабоқ чиқаришларига, ўзаро бирдамлик, яқдиллик, хамкорликда ривожланишига ва худудда тинчликни барқарор бўлишида муҳим манба бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши. Тошкент, “Ўзбекистон” нашри 2015 йил, - 640 Б.
2. Ибрат. Фарғона тарихи. Тошкент, “Камалак” нашри, 1991 йил. -355 Б.
3. Муродов Ғайрат. Тарихий романнинг муштараклик ва ўзига хосликлар уй-унлиги муаммолари. Тошкент: 2018 й. -106 Б
4. Махсумхонов С. Юрт фожиаси ҳақидаги роман. / Вестник ОшГУ №4, 2004 г. стр: 134-136.
5. Қодирий А. Ўтган кунлар. Тошкент, F. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994 йил, -642Б.
6. Қосимбеков Т. Синган қилич. Тошкент: F. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980 йил, 372-Б.

DOI: 10.52773/tsuull.conf.2025/BIV1865

TA'LIM JARAYONIDA YOSHLARIMIZNING MILLIY O'ZLIGINI ANGLASHIDA BADIY ASARLARNING TUTGAN O'RNI

Turakulova Okila Amirkulovna

*Pedagogika fanlari falsafa doktori (PhD), dotsent,
Alisher Navoiy nomidagi O'zbek tili va adabiyoti
universiteti
shahrizodf@mail.ru
ORCID: 0000-0002-7783-6418*

Annotatsiya: Mazkur maqolada ta'lif jarayonida badiiy asarlarni anglash orqali talabalarning milliy o'zligini (identiklik) rivojlantirishning metodik jihatlari, o'ziga xoslik, milliy iftixorni shakllantirishning jahon, milliy va mintaqaviy darajadagi omillari, ta'lif muhitining referentlik darajasini aks ettiruvchi mezonlar haqida ayrim mulohazalar keltirilgan.



NUTQINI BAHOLASH PEDAGOGIK-METODIK MUAMMO SIFATIDA		
<i>Ermatova Durdona Zafarjon qizi. INDUCTIVE AND DEDUCTIVE METHODS IN TEACHING UZBEK AS A FOREIGN LANGUAGE: A COMPARATIVE PEDAGOGICAL ANALYSIS</i>	797	
<i>Raxmatullayeva Ruxshona Sherzod Qizi. O'ZBEK MILLIY TAOMLARI NOMLARINING SHEVALARDAGI UMUMIY VA FARQLI JIHATLARI</i>	800	
<i>Xudayberdiyeva Orifaxon Rustamjon qizi. O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA LEKSIKA TUSHUNCHASI</i>	803	
VII SHU'BA. TURKIY XALQLAR ADABIYOTINI O'QITISHDA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR		
<i>P.Hiёзметова. БАДИЙ АСАРДА ТАБИАТ ТАСВИРИ ВА ҚАҲРАМОНЛАР ТУЙҒУЛАРИ ИФОДАЛАНИШИНИ ЎРГАНИШ</i>	809	
<i>P.Hiёзметова. O'ZBEK ADABIY TA'LIMIDA XORIJY METODLARDAN FOYDALANISH METODIKASI</i>	813	
<i>Исманова Акибатхан Алимжановна. АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ "ЎТКАН КУНЛАР" ВА ТЎЛАГАН ҚОСИМБЭКОВНИНГ "СИНГАН ҚИЛИЧ" АСАРЛАРИДА ХОНЛИКЛАР ДАВРИНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНИ</i>	820	
<i>Turakulova Okila Amirkulovna. TA'LIM JARAYONIDA YOSHLARIMIZNING MILLIY O'ZLIGINI ANGLASHIDA BADIY ASARLARNING TUTGAN O'RNI</i>	825	
<i>To'ychiyeva Mahfuza Umakulovna. TA'LIM TIZIMIDA MANTIQIY FIKRLASHDAN FOYDALINISH MASALASI: O'TMISH VA BUGUN</i>	830	
<i>Oymatova Nilufar Mirjamolovna. JADID ADABIYOTINI O'QITISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR DAN FOYDALANISH: MAHMUDXO'JA BEHBUDIY IJODINI O'RGANISH TAJRIBASI</i>	839	
<i>Musurmonkulova Oysuluv Yulbekovna. ADABIY ASARNING BADIY MAZMUNINI ANGLASH YO'LLARI</i>	844	
<i>Elboyeva Mahliyo Polvonquli qizi. MAKTAB TA'LIMIDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR DAN FOYDALANISH</i>	852	
<i>Abdixoliqova Mastona Raxim qizi. XALQ OG'ZAKI IJODI NAMUNALARINI O'QITISHNING INNOVATSION VA PSIXOPEDAGOGIK ASOSLARI</i>	857	
<i>Abduraxmanova Ilmira Alimjonovna. O'QITUVCHINING "SEHRLI TAYOQCHASI": FAOLLIKNI OSHIRUVCHI METODLAR T AHLILI</i>	862	
<i>Abdusattorova Dilshodabegim. ERTAKLARNI O'QITISHDA MULTIMEDIA ILOVALARINING O'RNI</i>	865	
<i>Adashaliyeva Nigora Shuhratjonovna. ADABIY TA'LIMDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR VOSITASIDA O'QUVCHILARNING BADIY-ESTETIK TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISH</i>	870	
<i>Beknazarova Farida Matraxim qizi. 5-6-SINF ADABIYOT DARSLARIDA O'QUVCHILARNING IJODIY QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISH</i>	875	

